
ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ: ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Фурқат тумани касб-ҳунар мактабида вилоятдаги профессионал таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосарлари иштирокида ўқув амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинар давомида маънавий-маърифий ишларни самарали йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг ягона форма намунаси, ўқув бинолари, спорт зали, ошхона ва ўқув устахоналарини янги ўқув йилига намунавий тарзда тайёрлаш бўйича кўргазмали ўқувлар ташкил этилди.

Раҳбар ва педагог ходимларнинг масъулиятини, уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича тажрибалар билан ўртоқлашилди. Шунингдек, янги ўқув йили учун белгиланган режалар, уларни амалга ошириш механизмлари, ёшларни касб-ҳунарга ўргатишдаги илғор тажрибалар хусусида фикр алмашилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-19 12:18:04